

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК: 657.5:336.5(575.1)

Акмалова Муниса Адхамовна

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНК КРЕДИТЛАРИНИНГ РОЛИ ВА
ҲИСОБИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ
(Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мисолида)**

**Мутахассислик: 5A230901– «Бухгалтерия ҳисоби» (тармоқлар ва
соҳалар бўйича)**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: проф. Ш.Т.Эргашева

ТОШКЕНТ – 2019

Мазкур магистрлик диссертация ишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда банк кредитларининг роли ва ҳисобини ривожлантириш йўналишлари тадқиқ қилинган ҳамда уни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

In this master dissertation thesis has been studied trends in the development of small business and private entrepreneurship in the development of the role and account of bank loans, and developed scientific recommendations and practical recommendations for its improvement.

Магистрлик диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган:

« 5 » - сонли баённома « 30 » 05 2019 йил.

Илмий раҳбар: проф. Ш.Т.Эргашева


ИМЗО

25.06.2019
сана

Магистр: М.А.Акмалова


ИМЗО

23.06.2019
сана

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси

муdiri проф. Р.О.Холбеков



“ 29 ” июнь 2019 йил

Ҳимоя 2019 йил “01” ИЮЛЬ соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА

	Кириш	4
I-Боб.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда банк кредитларининг аҳамияти ва ҳисобининг назарий асослари.....	8
1.1.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётда тутган ўрни ва ривожланиш тенденциялари.....	8
1.2.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда банк кредитларининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.....	16
1.3.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кредитлар ҳисобининг назарий-услубий асослари.....	25
	Биринчи боб бўйича хулоса.....	29
II-Боб.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида кредитлар ҳисобини ташкил этилиши ва амалий ҳолати.....	32
2.1.	“Sprint asia” МЧЖда банк кредитлари ҳисобини ташкил этиш.....	32
2.2.	“Sprint asia” МЧЖда банк кредитлари бўйича фонизлар ва жарималарни ҳисобга олиш тартиби.....	40
2.3.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида банк кредитларидан самарали фойдаланиш имкониятлари.....	46
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....	51
III-Боб.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида кредитлар ҳисоби ва таҳлилни такомиллаштириш.....	53
3.1.	“Sprint asia” МЧЖда кредитга лаёқатлилигини аниқлаш ва такомиллаштириш.....	53
3.2.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида кредитлар ҳисобининг таҳлили ва уни такомиллаштириш.....	63
	Учинчи боб бўйича хулоса.....	71
	Хулоса ва таклифлар	74
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	79

Кириш

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш жамиятни барқарорлаштириш ва унинг иқтисодий фаровонлигини таъминлаш гаровидир. Кичик бизнесни жадал ривожлантириш ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминловчи асосий бўғин ва амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Иқтисодиётда рўй бераётган турли ижобий ўзгаришлар кўп жihatдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий устувор юналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналишда илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, истикболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш кўзда тутилган¹.

Жумладан, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш тизимини самарадорлигини оширишда уларда кредитлар ҳисобини такомиллаштиришни тақозо этади. Кредит операциялари ҳисобининг тўғри ташкил этилиши эса кредитларнинг мақсадли ишлатилиши, тўғри тақсимланиши ҳамда ўз вақтида сўндирилишини таъминлайди. Бу ўз навбатида мавзунинг долзарблигини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 феврал.